




Антуан де Сент-Экзюпери

# Кичкина шаҳзода



ИЛГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2014

УУК: 821. 112. 5 -3

КБК: 84(4Фра)

Э-36

**Антуан де Сент-Экзюпери.** Кичкина шаҳзода; Истеҳком; Ҳикматлар / Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир профессор А.Х.Сайдов. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2014. – 140 бет.

**Антуан де Сент-Экзюпери** – XX аср француз адабиёти-нинг йирик намояндаларидан бири, моҳир учувчи, шоир ва ёзувчи, ёшу қарининг севимли асари «Кичкина шаҳзода»нинг муаллифи.

«Учувчи» (1926), «Жанубга хат» (1929), «Тунги парвоз» (1931), «Башар сайёраси» (1939), «Ҳарбий учувчи» (1942), «Истеҳком» (1948), «Ёшлик мактублари» (1953) каби асалар Антуан де Сент-Экзюперининг қаламига мансубдир.

Антуан де Сент-Экзюперининг асалари дунёнинг 200 тилига таржима қилинган. Жумладан, унинг «Кичкина шаҳзода» асари Хайриддин Султонов томонидан ва «Истеҳком» қиссасидан парча Абдуғопир Қосимов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Антуан де Сент-Экзюперининг ўзбек тилида чоп этилаётган янги тўпламидир.

Асар кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

**Таржимонлар:**

Хайриддин СУЛТОНОВ, Абдуғопир ҚОСИМОВ

**Сўзбоши муаллифи ва масъула муҳаррир профессор**

Акмал САЙДОВ

ISBN 978-9943-27-233-0

© Антуан де Сент-Экзюпери. «Кичкина шаҳзода»; «Истеҳком»; «Ҳикматлар». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

*«Мен учун учиш ва ёзиш бир нарса.  
Муҳими - ҳаракат қилиши,  
муҳими - ўзлигинги англаш»  
Антуан де Сент-Экзюпери*

## **АНТУАН ДЕ СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ – ЎЛИМЛАРНИ ДОГДА ҚОЛДИРГАН УЧУВЧИ ВА ФАЙЛАСУФ АДИБ**

Машхур француз ёзувчиси, шоир ҳамда моҳир ҳарбий учувчи Антуан Мари Жан-Батист Роже де Сент-Экзюпери (Antoine Marie Jean-Baptiste Roger de Saint-Exupéry) 1900 йилнинг 29 июнида Франциянинг Лион шаҳрида дунёга келган.

Экзюперилар оиласида беш фарзанд бўлиб, Антуан оиласида учинчиси эди. Антуаннинг отаси граф бўлган, бироқ сугуртга нозири бўлиб ишлаган. Антуан тўрт ёшга тўлганида, унинг отаси бевақт оламдан ўтганлиги боис, Антуаннинг тарбияси билан ҳам дўсти, ҳам унинг барча ишларидаги илҳомлантирувчи киши – онаси Мари Буайе де Фонколомб (Marie Boyer de Fonscolombe) шугулланган. Антуаннинг онасига ёзган айrim хатлари (Антуан бу хатларни бутун умри давомида ёзган) бадиий миниатюранинг дурдонасидир. Антуанда ҳалқ эртакларига нисбатан муҳаббат, мусиқа, рассомчилик, адабиётга қизиқишнинг эрта пайдо бўлганлиги онасининг хизматидир.

Кичик Антуан ёшлик чоғларида жуда шўх, ўта қизиқувчан бўлиб, ўчоқдаги ёниб турган оловга қараб соатлаб хаёл суришни севган. Шу билан бирга, у табиатан қувноқ, кўнгли очиқ ҳамда кўплаб қобилияtlарнинг соҳиби бўлган: шеърлар

ёзган, расм чизган, скрипка чалган, битмас-туғанмас ўйлар ва фантазияга бой бўлган. Бироқ унинг энг катта қизиқиши техникага бўлган, келадёттан техника даврининг тезлигини сезиб туғилгандек гўё. Антуан ёшлигига тунуқадан телефон ясаган, 12 ёшида эса самолёт-велосипед ихтиро қилган ва унда оломоннинг «Антуан де Сент-Экзюперига шон-шарафлар бўлсин!» деган ҳайратомуз олқишилари остида ҳавога кўтарила олишига ишонгган.

Антуан биринчи марта 1912 йилда Амберьеадаги (Ambérieu-en-Bugey) авиация майдонида самолётда ҳавога кўтарилган. Ўша пайтда самолётни машҳур учувчи Габриэль Вроблевски-Салвец (Gabriel Wroblewski-Salvez) бошқарган.

Антуан 1908 йилда Лиондаги Муқаддас Варфоломей мактабига биринчи синфга қабул қилинган, кейин 1909 йилда оиласи билан бирга Ле-Ман шаҳрига кўчишган. Антуан акаси Франсуа билан бирга 1914 йилгача Манседаги Нотр-Дам де Сент-Круа иезуитлар мактабида таҳсил олган. Таълим олиш жараёни билан бирга қадимий жангчи машиналар қандай қилиб ишлашини тушуниш учун **Юлий Цезарнинг «Гадд урушлари»** номли лотин тилидаги китобини завқ билан ўқиган. Сўнгра **Фрибургдаги<sup>1</sup> маристлар** коллежида «Эколь Наваль»га<sup>2</sup> (Париж Сен-Луи Ҳарбий-денгиз лицейида тайёрлов курсларини ўтаган) киришга тайёрланган. Бироқ, танловдан ўта олмаган.

<sup>1</sup> Фрибург (Fribourg) – Швейцариядаги шаҳар ва кантон номланиши.

<sup>2</sup> Эколь Наваль (École navale) – Француз миллий ҳарбий денгиз офицерларини тайёрловчи олий мактаб.

1914 йили Биринчи жаҳон уруши бошланган, Антуаннинг онаси тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишга кирганидан сўнг, ўғилларини Швейцарияга юборган.

1917 йилга келиб Антуан Францияга қайтиб келган ва ўрта маълумотини Парижда ниҳоясига етказган. 1919 йилда Нафис санъат Академиясининг (*École nationale supérieure des beaux-arts*) архитектура бўлимига эркин тингловчи сифатида ёзилган.

1921 йилда Францияга армияга чақирилиши Антуаннинг тақдирида кескин бурилиш ясаган. Олий ўқув муассасасидаги армияга бориш муддатини кейинга қолдирганига қарамай, Антуан Страсбургдаги иккинчи қирувчи самолётлар полкига ёзилган. Уни дастлаб самолётларни таъмирлайдиган ишчи гуруҳига қўйишган, бироқ у тез орада фуқаролик авиацияси учувчилигига имтиҳон топшириб, имтиҳонлардан мубаффақиятли ўтган. Уни Марокашга юборишган, Антуан у ерда ҳарбий учувчи хукуқини олган. Кейин эса билимларини мукаммаллаштириш учун **Истр**<sup>1</sup> шаҳрига юборилган. 1922 йилда **Авор**<sup>2</sup> шаҳридаги заҳирадаги офицерлар ўқув курсини тамомлаган ҳамда кичик лейтенант ҳарбий унвонини олган. Антуан октябрь ойида Париж яқинидаги Бурж шаҳрида жойлашган 34-авиация полкига ишга

---

<sup>1</sup> Истр (Istres) – Франциянинг жанубий қисмида жойлашган шаҳар, Биринчи жаҳон уруши даврида энг муҳим учувчи тайёрлаш мактабларидан бири жойлашган.

<sup>2</sup> Авор (Avord) – Франциянинг марказида жойлашган шаҳар, Биринчи жаҳон уруши даврида энг муҳим учувчи тайёрлаш мактабларидан бири жойлашган.

ўтиш тўғрисида топшириқ олган. 1923 йилнинг январь ойида Антуан биринчи марта авиаҳало-катта учраган. Бу авиаҳалокат нитижасида унинг бош мия суяги жароҳатланган. Март ойида Антуанни ҳарбий хизматга лаёқатини аниқлаш учун комиссиядан ўтказишган. Сўнг Экзюпери Парижга кўчиб кетиб, у ерда ёзувчиликка шўнғиб кетган. Аммо, дастлаб соҳанинг бу тури билан шуғулланиб, унчалик зафар қучмагани боис, турли ишларни бажаришга мажбур бўлган: китоб дўконида сотувчи бўлган, автомобил одди-сотдиси билан ҳам шуғулланган.

1926 йилга келибина «Аэропосталь»<sup>1</sup> компаниясининг Африканинг шимолий қирғоқларига почта етказувчи учувчиси бўлиб ишга кирган. Ўша йилнинг баҳор ойларидан бошлаб Тулуза – Касабланка, кейинчалик Касабланка – Дакар йўналишларида почта ташиган.

Касабланкада бўйсундирилмаган қабилаларнинг ёнида жойлашган бир истеъжом бўлиб, ҳатто бу ерда қисқагина сайр қилиш ҳам ўлим ёки қулликка олиб келган. Бундан ташқари, самолётлар ҳалокатта тез-тез учраб турган ва чўлга кўнишга мажбур бўлишган. Бу борада Экзюпери сингалисининг эрига қуидагича хат ёзган: «**Бу жуда қизиқаран спорт. Ўтган йиали бизнинг тўртта учувчимиздан иккитасини ўдиришган, минглаб километр масофада мени каклийдек отишлари мумкин.**»

Экзюпери онасига йўллаган хатида эса манзарани бироз бошқача тасвиrlаган: «**Кўнишга маж-**

<sup>1</sup> Аэропосталь (Aéropostale) – 1918 йилда ташкил этилган Француз ҳаво йўллари компанияси, 1933 йилдан бери “Эр Франс” (Air France) номи билан аталади.

бур бўлганим учун Сенегаль ҳабашларининида туни үтказдим. Уларни мураббо билан меҳмон қиласам, дод қолиши: улар европалик-ларни ҳам, мураббони ҳам кўришмаган экан. Бўйрага чўзилиб ёттанимда эса, қишлоғнинг ҳаммаси менинг одимга ташриф буоришиди. Мен ўзимнинг чайдаламда ўттизтадан ортиқ одам қабул қиадим... Улар мени бошдан-оёқ кўздан кечиришиди...»

Антуандаги мардонавор қизиқонликкина маврлар<sup>1</sup> сардори билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга имкон берган. Уларга ўз кўргонида чойхўрлик уюштириб берган, яна уларнинг уйига жавобан ўзи ҳам ташриф буорган. Маҳаллий аҳолидан араб тилини ўрганган.

Бир ярим йиллардан кейин Экзюпери онасига куйидаги мазмунда хат битган: «**Мен Саҳрои Кабирни севаман, чўлга қўнишга тўғри келиб қолганда эса, мени ўраб турган шўр кўлда акс этувчи қумтепадарни кўриб завқданаман**».

1926 йилнинг 19 октябрида Экзюпери Саҳрои Кабирнинг энг чеккасида бўлган Вилья-Бенс шаҳридаги Кал-Джуби оралиқ станциясига бошлиқ этиб тайинланган. Бу ерда у ўзининг «**Жанубга хат**» (*Courtier sud*, 1929) номли илк асарини ёзган.

«**Жанубга хат**» Экзюперининг биринчи романи ҳисобланиб, етарли даражада мукаммал деб бўлмайди. Хусусан, асар мазмунидаги муҳаббат чизифи адабнинг ижодиёти учун жонсизроқ туюлади. Умуман олганда, китобнинг мазмуний тузилиши муал-

<sup>1</sup> Маврлар – қадимги ва ўрта асрларда Мавритания, ҳозир Мавритания Ислом Республикаси деб аталган, шимоли-гарбий Африкада жойлашган мамлакат ҳалқи.

лифнинг хавотирга солувчи ғоялар ва муаммоларни эркин ифодалашпи учун тўсқиналик қилган. Шунга қарамасдан, асарда адид дўсти Жак Бернис билан боғлаб турувчи инсоний муносабатлари ҳақида фикрларини билдирган, инсон ўзининг фаолияти билан дунёга келтирадиган тартиблар каби бир қатор муҳим мавзуларни кўтарган. Ҳикоянинг жиддий ва кескин (баъзан бироз ноаник) услуби адиднинг фалсафий баркамоллигидан дарак беради.

1929 йилда Бретстдаги денгиз флотининг олий авиация курсларига кирган. Тез орада «Галлимар» нашриёти Экзюперининг «Жанубга хат» номли романини чоп қилган, роман муаллифи эса Жанубий Америкадаги «Аэропасталь» компаниясининг филиали бўлмиш «Аэропоста – Аргентина»га техник директор сифатида жўнаб кетган. Сент-Экзюperi 1930 йилда фуқаролик авиацияси ривожига қўшган улкан хизматлари учун Фахрий легион ордени билан тақдирланган.

1930 йил июнь ойида Антуанининг ўзи Анд тофларини учеб ўтиш чоғида ҳалокатта учраган учувчи дўсти Гийомни қидириш жараёнларида шахсан иштирок этган. Ўша йилнинг ўзидаёқ Антуан «Тунги парвоз» (*«Vol de nuit»*, 1931) асарини ёзган ҳамда бўлгуси турмуш ўртоги Консуэло билан танишган.

«Тунги парвоз» асари Экзюперининг Жанубий Америкада ўтказган ҳаёти даврида ёзилган. Чили, Парагвай, Патагониядан йўлланган мактублар ўз вақтида Буэнос-Айрес шаҳрига етиб келиши учун учувчилар кечалари бепоён төғ тизмалари устидан парвоз қилишларига тўғри келган. Мабодо довул ёки тўфонга дуч келсалар, ҳаммаси тамом бўлган. Бироқ уларнинг бошлиғи Ривьер бу каби таваккалга қарши чиқиши лозимлигини яхши билган. Ривьер билан биргаликда нозирлардан бири Робино ва

унинг турмуш ўртоғи Фабъен парвози кузатилади. Улардан бири, Фабъеннинг самолёти йўналишдан чиқиб кетади. Унинг самолётида ярим соатта етадиган ёқилғи қолган, холос. Умид йўқ. Ба шу заҳотиёқ у осмону фалакка қараб йўл олган. У ерда ҳеч бир тирик жон бўлмаган. Афсонавий бойлик эгаси Фабъен ҳалок бўлган. Фабъенини яхши кўрса-да, шунга қарамасдан Ривьер қаттиқ совуқ алам билан Европага хат ташиб билан шутулланаверган.

1930 йилнинг апрелида Экзюпери Париж шаҳрига қайтган ҳамда Зойлик меҳнат таътили олган ва **Консузэдо Сунсии** (Consuelo Suncin, 1901 – 1979) билан никоҳдан ўтган. Бироқ улар алоҳида яшашган. 1931 йилнинг 13 марта «Аэропосталь» компанияси касодга учраган. Шундан сўнг, Экзюпери Франция – Жанубий Америка йўналишидаги «Касабланка – Порт-Этьен – Дакар»га почта тарқатувчи учувчи бўлиб ишга қайтган. 1931 йилнинг октябринда унинг «Тунги парвоз» асари чоп этилган ва бунинг учун Экзюпери «Фемина»<sup>1</sup> адабий мукофотига сазовор бўлган. У яна таътил олиб, Парижга қайтган.

1932 йилнинг февралида «Марсель – Алжир» йўналиши бўйлаб хизмат қилувчи **Латекоэра** авиакомпаниясининг гидропланига 2-учувчи бўлиб ишга кирган. «Аэропосталь» компаниясининг собиқ учувчиси **Дидье Дора** (Didier Daurat) тез орада унинг синовчи-учувчи бўлиб ишга киришига ёрдамлашган ва Экзюпери Сен-Рафаэль кўрфазида янги гидросамолётни синовдан ўтказиш жараённида ҳалок бўлишига бир баҳя қолган. Гидросамолёт ағдарилиб кетган, Экзюпери чўка-

<sup>1</sup> Фемина (Femina) – 1904 йилда таъсис этилган француз адабий мукофоти.

ётган гидросамолёт кабинасидан чиқишига базур үлгуреб қолган.

1934 йилда «Эр Франс» (собиқ «Аэропосталь») компаниясиға ишга кирған. Компаниянинг вакили сифатида Африка, Ҳиндихитой ва бошқа мамлакатлар бўйлаб саёҳатга чиққан. 1935 йилнинг апрелида «Пари-Суар» газетасининг мухбери сифатида собиқ СССРга ташриф буюрган. У ўзининг бу ташрифи жараёнида кўрган-кечиргандарини бешта очеркда<sup>1</sup> баён қилган. Экзюперининг «Совет ҳукумати олдида жиноят ва жазо» номли очерки ғарб мамлакатлари ёзувчиларининг Совет ҳукумати ҳақида ёзилган илк асари ҳисобланган. 1935 йилнинг 3 майида Экзюпери **М.А.Булгаков**<sup>2</sup> билан учрашган.

Тез орада Экзюпери **С.630 «Симун»** русумли ўз шахсий самолётига эга бўлган. 1935 йилнинг 29 декабрида Париж – Сайгонни учиб ўтиш бўйича рекорд қўймоқчи бўлганида Ливиянинг сувсиз чўлу биёбонида ҳалокатта учраган. Бироқ бу сафар ҳам ўлимга чап бериб, тирик қолган. 1936 йил 1 январда Экзюпери ва механик Прево билан бирга ташналиқдан қийналиб ўлаётгандаридагу кўчманчи бадавий араблар томонидан қутқаруб қолинган.

1936 йилнинг августида «Энтрансикан»<sup>3</sup> газетаси билан тузган шартномасига биноан, фу-

---

<sup>1</sup> Очерк – умумий тарзда ёзилган тасвирий-тавсифий ёки илмий асар.

<sup>2</sup> Булгаков, Михаил Афанасьевич (1891–1940) – рус ёзувчиси, драматург, театр режиссёри ва актёри, машҳур “Уста ва Маргарита” романи муаллифи.

<sup>3</sup> “Энтрансикан” (“Intransigeant”) – 1880 йилда асос солинган француз даврий нашри, 1940 йилда мазкур нашр ўз фаолиятини тугатган.

қаролар уруши бўлаётган Испанияга жўнаб кетган ва Экзюпери у ердан газеталарга бир қатор воқеа тафсилотлари ёритилган мақолалар юборган. Жумладан, адид ўзининг «Истехком» номли асарини ҳам айнан мана шу йили ёзишни бошлигаган. Бироқ бу асар муаллифнинг ўлимидан сўнг 1948 йилда чоп этилган.

Экзюперининг «Истехком» асарида донишмандлик ва тажриба гояси илгари сурилган. Кўчманчи образи орқали инсоннинг қандай қилиб дунёни англашини тасвирлаб берган. Агар киши ўзининг истехкомини барпо этмаса, тинчлик тушунчасини билмаслиги ва борлиқни англаши мураккаб эканлигини ўргатади. Инсон шахсан ўзининг қонида, маконида ва ўзи севадиган юртда эҳтиёж ҳамда зарурият мазмунини ҳис этади. Истехком аввало инсоннинг қалбida қад кўтаради. У хотиралар ва удум ҳамда маросимлардан ташкил топади. Энг асосийси – ушбу истехкомга вафодорликни сақдай билиш. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, «Агар биз ҳар он ибодатхонани қайтадан қуришни бошлайверсак, уни ҳеч қачон безата олмаймиз». Гар инсон зоти эркинликка интиlamан деб деворларини бузса, унинг ўзи ярим вайронна қалъага ўхшаб қолажак. Шу лаҳза уни вахима босар, чунки ўзининг мавжудлигини ҳис қилишдан тўхтаб қолар. «Менинг муддим – пода ҳам, далалар ҳам, уйлар ҳам эмас, балки уларни бир бутуниликка боғлаб турувчи ва ҳукмронлик қидувчи қандайдир куч».

Самимий табассумли инсон – ёзувчининг ташки қўринишини ана шундай тарзда осонгина аниқлаш мумкин, фашизмга қарши курашган ҳарбий учувчи. Экзюперининг чехрасидаги мафтункор табассум ҳаттоки уни бир марта отиб ўлдирилишидан асраб қолган. Испаниядаги фуқаро-

лар уруши пайтида Экзюпери ҳарбий мухбир си-  
фатида Мадридга келганида у республика пат-  
руллари томонидан ушланган. Испан тилини бил-  
маслиги Экзюперида немис жосуси бўлиши мум-  
кинлиги эканлигидан далолат берган. Ўша так-  
рорланмас мафтункорона табассум эса соқчиларга  
тасир қилган.

1938 йилнинг январида Экзюпери «**Иль де  
Франс**» лайнерида Нью-Йоркка жўнаб кетган.  
Экзюпери бу ерда «**Башар сайёраси**» (*Terre des  
hommes*, 1939) номли китобини ёзишга кириш-  
ган.

«**Башар сайёраси**» Экзюперининг ажойиб  
ҳикоялар тўплами ҳисобланади. Ушбу асар адаб-  
нинг Пиреней осмонида биринчи маротаба пар-  
воз қилишини ҳикоя қиласди. Шунингдек, учувчи  
парвоз давомида «уч азалий худо – тоғлар, ден-  
гизлар ва тўғон» билан тўқнашиб, кураш олиб  
бориши ҳақида сўз юритган. Муаллифнинг дўстла-  
ри – уммонда бедарак йўқолган Мермоз, Анд тоғ-  
ларида гайритабиий ҳолатда тирик қолган Гийом  
портретлари ҳам тасвирланган.

Экзюпери 15 февралдан бошлаб Нью-Йорк –  
**Оловали Замин**<sup>1</sup> бўйлаб парвоз эта бошлаган,  
бироқ Гватемалада оғир ҳалокатга учраган. Ке-  
йин узоқ вақт мобайнида дастлаб Нью-Йоркда,  
сўнгра эса Францияда соғлигини тиклаган.

Франциянинг Германияга уруш эълон қилга-  
нидан бир кундан сўнг, 1939 йилнинг 4 сентябр-  
ида Экзюпери Тулуза-Монтодран ҳарбий аэро-  
дромига сафарбарлик қилинган ва кейинчалик  
дўстларининг ҳарбий учувчи бўлишдай хавф-ха-

<sup>1</sup> “Оловали Замин” (“Tierra del Fuego”) – Жанубий Амери-  
канинг энг жанубий чеккасидаги ороллар гурӯҳи.

тарлы истагидан қайтаришга бўлган уринишлига қарамай, 3 ноябрда Экзюпери Шампан провинцияси Орконте базасининг 2/33 авиация полкига узоқ разведка ишларини олиб бориш учун ўтган. Экзюперининг кўп дўстлари, яқин биродарлари уни ёзувчи ва журналист бўлиб юртга жуда кўп самара олиб келиши мумкинлигини, ўз ҳаётини бунчалик хавфга қўйиши шарт эмаслигини уқтиришга ҳаракат қилишган. 1939 йилнинг ноябридаги хатида Экзюпери қўйидагича ёзган: «Мен бу урушда қатниашишга мажбурман. Менинг ҳамма севадиган нарсаларим хавф остида. Провансда ўрмон ёнаётганида, кимга барибир бўлмаса – ҳамма чедак ва белкурак ушлайдилар. Мен урушишини истайман, менинг бунга муҳаббат ва ички диним мажбур қилаяпти. Мен бир чеккада туриб бунга хотиржам қаролмайман»<sup>1</sup>.

Экзюпери «Блок-174» самолётида бир неча бор аэрофоторазведка қилиб жанговар ҳаракатларни амалга оширганлиги учун «Ҳарбий хоч»<sup>2</sup> унвони билан тақдирланган. 1941 йилнинг июнида Франция мағлубиятга учраганидан сўнг, Экзюпери мамлакатнинг босиб олинмаган ҳудудида яшовчи синглисенинига кўчиб ўтган, кейинроқ эса АҚШга кўчиб кетган ва Нью-Йоркда яшаган.

1942 йилда Экзюперининг яна бир китоби дунё юзини кўрган. Бу «Ҳарбий учувчи» («Pilote de guerre») номли асаридир. Иккинчи жаҳон уруши

---

<sup>1</sup> Antoine de Saint-Exupéry. Écrits de guerre 1939-1944. P.: Gallimard, 1982. 656 pages.

<sup>2</sup> Ҳарбий хоч (Croix de Guerre) – Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатгандарни тақдирлаш учун 1939 йилда таъсис этилган унвон номи.

бошланиб, немислар Францияни ишғол этган бир пайтда, капитан Сент-Экзюпери ва унинг экипажи разведка мақсадида парвоз қилиш фармошишини олган. Гарчи хавф-хатар ғоятда улканлигига қарамасдан ҳарбий интизомга бўйсуниш ғояси илгари сурилган.

Экзюпери Нью-Йоркда **Андре Моруа**<sup>1</sup> билан танишган. Моруа Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» асари устида қандай қилиб ишлаганини ёзган. Моруа бу асар яратилиши пайтида Экзюпериларникида меҳмонда бўлган. Экзюпери ўзининг ёзув столига ҳамма уйқуга кетганида, яъни ярим оқшомда ўтирган. Тунги соат иккиларда Экзюперининг: «Консуэло! Мен очман, менга тухум тайёра!» деган қичқириғи уйғотарди. Овқатлангач, яна ишлар ёки ухлар эди. Тахминан яна икки соатлардан сўнг Экзюперининг: «Консуэло! Мен зерикаяпман. Кел, шахмат ўйнаймиз» деган қичқириғи эшитиларди. Кейин эса Экзюпери хотини ва меҳмонга янги ёзилган асарни ўқиб берар, хотини эса қандай эпизод кўшишни айтарди. Ким бундан кейин «Кичкина шаҳзода»ни автобиографик образ демайди? Ва 40 ёшдан кўпроқ яшаган Экзюпери «Кичкина шаҳзода» бўлиб қолаверган.

«Мен асар қаҳрамони», учувчи Саҳрои Кабирга кўнишга мажбур бўлган. Минглаб миля радиусда инсон зоти кўринимас. Кунларнинг бирида тонготар чоғда Экзюперини «**Илатимос... менга қўзичоқ, чизиб беринг**» деган ёш боланинг овози уйғотган.

<sup>1</sup> Андре Моруа (1885–1967) – машҳур француз ёзувчиси, уруш ёдноманависи, машҳур “Иқлиmlар” асарининг муаллифи.



Lituz.com

To'liq qismini  
Shu tugmani  
bosish orqali  
sotib oling!